



Ислом Нури

ёки ёддан санаса деб таржима қиладилар. Биз бир ҳадиснинг маъносини ва у далолат қилган ҳукмларини билишимиз учун аввало ҳадисларга ёзилган шарҳларга қараймиз агар ҳадисни шарҳини топа олмасак ҳадисларнинг ғариб-қийин сўзлари учун махсус ёзилган луғат китобларга қараймиз ана ундан кейин ҳадисга маъно айтамыз.

Зикр қилинган ҳадиснинг шарҳида “иҳсо қилса” га ана шу исмларнинг маъноларини билиб шу маънонинг тақозосига биноан амал қилса дейилади. Яъни, ас-Самийъ Аллоҳнинг исмларидан, маъноси: “жамики овозларни эшитувчи”. Киши бу исмнинг маъносини билгач, энди унинг тақозоси бўйича амал қилмоғи лозим. У Аллоҳнинг “жамики овозларни эшитувчи” эканлигини билди. Демак, у биронта сўзини Аллоҳдан яшира олмайди. Энди у ўйланиб гапиради, ғийбат, ёлғончилик, туҳмат қилмайди, ёмон сўзларни ҳаттоки биров эшитмайдиган ўринларда ҳам айтмайди. Чунки, у аниқ биладикки ҳеч ким эшитмаган тақдирда ҳам Аллоҳ эшитади ва уни қиёмат куни ҳисоб-китоб қилади.

Аллоҳ таолонинг ҳар бир исми шу каби чуқур, кенг қамровли маъноларни ўз ичига олади ва биздан бу маънолар тақозосида амал қилишимизни талаб қилади. Ана энди кимнинг амали шундай бўлса у албатта жаннатга киради.

Аллоҳ таолонинг исмларининг маънолари тақозоси бўйича амал қилиш турли бўлади. Юқорида келтирганимиз бунинг бир кўриниши бўлса, «ал-Аҳад, ал-Мутаъал, ал-Қодир» каби исмларнинг маъносини билгандан кейин бу нарсаларга иқрор ва таслим бўлиши ҳам шу исмлар тақозоси бўйича амал қилишга киради. «ар-Роҳим, ар-Роҳман» каби исмлари борки уларнинг маъносини билгандан кейин Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, ўзи ҳам бошқалар учун раҳмдиллик



қилиши керак.

«Иҳсо» бу исмларни ёд олиш ва улар билан дуо қилишга ҳам далолат қилади, лекин шунинг ўзига чекланиш хато.

Бу ҳақда ҳам саҳифамизга бир китоб қўймоқчимиз, Қодир зотга дуо қилайлик бу ишни тезроқ рўёбга чиқишига кўмак берсин.